

Риёзус солихйин / Риёзус солихйин / 192-ҳадис

192 - ҳадиснинг маъноси :«Аллоҳ мендан олдинги бирор умматга юборган набий борки, албатта ўз уммати ичидан унинг суннатини тутадиган, ишига эргашадиган ҳаворийлари ва саҳобалари бўлган. Сўнгра уларнинг кетидан ёмон авлод қолган. Улар қилмаган ишини гапирар, ўзларига буюрилмаган нарсани қилишар эди. Ким уларга қарши қўли билан курашса, у мўминдир. Ким уларга қарши тили билан курашса, у мўминдир. Ким уларга қарши қалби билан курашса, у мўминдир. Шундан кейин ханталнинг* уруғича ҳам иймон йўқ».

1. 192. Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ мендан олдинги бирор умматга юборган набий борки, албатта ўз уммати ичидан унинг суннатини тутадиган, ишига эргашадиган ҳаворийлари ва саҳобалари бўлган. Сўнгра уларнинг кетидан ёмон авлод қолган. Улар қилмаган ишини гапирар, ўзларига буюрилмаган нарсани қилишар эди. Ким уларга қарши қўли билан курашса, у мўминдир. Ким уларга қарши тили билан курашса, у мўминдир. Ким уларга қарши қалби билан курашса, у мўминдир. Шундан кейин ханталнинг* уруғича ҳам иймон йўқ».**

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

